

# Фермер — жамиятдаги янгиланишларнинг фаол иштироқчиси

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишенгандан тантанали маросимдаги табрик сўзида мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз қўлга киритган улкан ютуқлар унинг тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий давлатга айланганинг яққол тасдиғи эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, Истиқпол айёми муносабати билан жойларда уюштирилаётган турли маданий маърифий тадбирларда тарихан қисқа даврда жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилган натижаларга юксак баҳо берилмоқда. Нуроний отахонларимиз, пиру бадавлат онахонларимиз дуога қўл очиб, мамлакатимиздаги барқарорлик, тинчлик-осойишталикка шукроналар айтишшаяпти.

Шу маънода, Мустақиллик шарофати билан жаранглаган “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” деган чуқур маъноли шиор барчамиз учун шарафли даъват, дилимиздаги эзгу ният ва орзу-умидларимиз ифодаси бўлди. Зотан, мустақиллик йилларида эришган натижаларимиз Ўзбекистоннинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун юқори иқтисодий салоҳиятли мамлакат эканини амалда исботламоқда. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлар, жамият ҳаётини янгилаш асосида қўлга киритилаётган муваффақиятлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан испоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, Ўзбекистонни жаҳон бозорида харидоргир бўлган, ўзининг тақрорланмас мазаси ва хушбўйлиги билан ажralиб турадиган сархил мева ҳамда сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни дунёнинг 80 та давлатига экспорт қилувчи мамлакатга айлантириш имконини берди. Бугунги кунда республикамиз ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда ана шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради.

Истиқпол йилларида юртимида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 8 миллион 50 минг тоннага етгани, Ўзбекистон ғалла экспортчисига айланганидан ҳақли равища

фаҳрланамиз. Ўз навбатида, республикамизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинмоқда. Бугунги кунга келиб, ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиширилиб, умумий қиймати қариyb 5 миллиард АҚШ доллари бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинаётгани, авваламбор, фермерлик ҳаракатига қаратилаётган катта эътиборнинг амалий самарасидир. Бинобарин, давлатимиз раҳбари томонидан истиқполнинг ilk йиллариданоқ иқтисодиётнинг барча жабҳалари қатори қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган оқилона сиёsat туфайли юртимизда хўжалик юритишнинг энг самарали, етакчи давлатлар тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракати ўзига хос тараққиёт локомотивига айланди. Бунда, хусусан, аграр соҳада давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қишлоқ меҳнаткашларининг ер, мулк ва ўзи етиширган маҳсулотга эгалик қилишини кафолатловчи иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асослар яратилгани, айниқса, муҳим омил бўлди. Ўз навбатида, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш каби кўплаб йўналишларда бозор тамойилларига мос механизмлар ўз вақтида амалиётга жорий қилинди. Фермер хўжаликлари учун изчиллик билан шакллантириб борилаётган замонавий инфратузилма, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ҳар гектар майдондан олинадиган даромадни кўпайтиришга қаратилган самарали чоралар ҳисобига улардаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги барқарор ошиб бормоқда. Пировардида бугун мамлакат қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг катта қисми фермерларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётir. Сўнгги йилларда аҳоли жон бошига полиз маҳсулотлари, сабзавот, картошка, мева, дон, гўшт, сут ва тухум етишириш бир неча марта ортгани ҳам фермерлик ҳаракатининг жамият тараққиётида тобора мустаҳкам ўрин олиб бораётганини тасдиқлайди. Шуни қайд этиш керакки, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фермерлик ҳаракатининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига ҳамда мамлакатимиздаги етакчи ижтимоий-сиёсий кучга айланишига мустаҳкам замин яратди. Бугун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини минитехнологиялар ва ихчам ускуналар орқали қайта ишлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш ва шу асосида янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда фаол қатнашаётган фермерларнинг сони 35 мингдан ортиқни ташкил қиласяпти. Фермерларимиз республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Чунончи, 40 нафарга яқин парламент аъзолари бевосита фидойи фермерлар орасидан сайланган, ўндан ортиқ фермерларга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди.

Жорий йил 5-6 июн кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги нуфузли ҳалқаро конференция юртимиз фермерлари салоҳиятининг юксак эътирофи бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг мазкур ҳалқаро анжумандаги нутқида баён этилган хулосалар ва вазифалар жамиятимиз вакиллари, шу жумладан, фермерларимизнинг қалбини фахр-ифтихор туйғусига тўлдириди. Дунёning нуфузли эксперtlари ҳамда сиёсатчилари мамлакатимиз озиқ-овқат сиёсатига юқори баҳо бериш баробарида, бизда бу борада тўпланган тажрибалар жаҳон миқёсида кенг ўрганилишга муносиблигини таъкидлаб, ўзбекистонлик фермерлар билан ҳамкорлик қилиш истиқболли эканлигини қайд этишди.

Анжуманда илгари сурилган ғоя ва вазифаларга уйғун ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзЛиДeP фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сувхўжалиги вазирининг 2013 — 2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастури ижросининг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди. Бутун дунёда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга доир муаммолар кучаяётган, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, суғориш учун ер ости сувлари камайиб бораётган бир шароитда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш долзарб аҳамиятга эга. Негаки, юртимизда ушбу йўналишда рўёбга чиқарилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида нафақат стратегик экинлар ҳосилдорлиги ошаётир, айни чоғда Ўзбекистонимизнинг дунёда ўхشاши йўқ мева-сабзавотларию узумчилиги ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мұхтасар айтганда, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда ер үнга үз мөхрини бера оладиган, уни ардоқлаб, асраб-авайлайдиган, “Ўзбек фермери” деган ҳақиқий эгасини топмоқда. Фермерлик ҳаракатининг замонавий технологияларни жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиоратив ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, ақоли даромадларини күпайтириш борасидаги ўрни тобора ортиб бораёттир. Истиқболда фермерлик ҳаракати, шубҳасиз, Ватанимиз равнақи, мәжнаткаш, мард ва олижаноб халқимиз фаровонлигини юксалтиришдек ўта шарафли ҳамда савобли ишларнинг етакчиси бўлади.

**Муҳаммадюсуп ТЕШАБОЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчиллик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси,  
O’zLiDeP фракцияси аъзоси.**

Халқ сүзи, 1 сентябрь 2014 йил